

“_____” ХК директори

«_____» _____ 2021й.

НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА

БИЗНЕС РЕЖАСИ



МУНДАРИЖА

1. ЛОЙИХАНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ
2. КОРХОНА ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ
3. БОЗОР ШАРОИТИНИНГ ТАҲЛИЛИ
4. ТАШКИЛИЙ РЕЖА
5. УСКУНА ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ
6. ЎЗ ВА ҚАРЗ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШ РЕЖАСИ
7. МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ
8. ФОЙДА ВА ХАРАЖАТЛАР РЕЖАСИ
9. КРЕДИТ ВА ФОИЗЛАРНИ ҚАЙТАРИШ ГРАФИГИ

1. ЛОЙИХАНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ

Ушбу лойиҳа _____ шаҳридаги “_____” хусусий корхонаси томонидан аҳолига нон ва нон маҳсулотлари етиштириб бериш мақсадида ишлаб чиқилди.

Бунинг учун корхона қуйидаги минитехнологияни келтириб, ўрнатишни режалаштирган.

Нон ишлаб чиқариш мини цехи соатига 35 та, 1 сменага – 280 та, 1 кунда эса 560 та буханка нон ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ушбу усқунанинг жами қиймати 20,0 млн. сўмни ташкил этади. Корхона раҳбари лойиҳанинг бошланғич харажатларини амалга ошириш, яъни юқорида келтирилган мини технологияларни сотиб олиш ва цех биносини таъмирлаш учун учун “_____” АТБнинг _____ филиалидан 36,0 млн. сўм миқдоридан кредит олишни режалаштирган.

2. “_____” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

«_____» хусусий корхонаси 20__ йил _____да №__ рақам билан _____ шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Корхона раҳбари _____ шаҳар _____ кўчаси ____-уйда истиқомат қилади, паспорт серияси рақами: _____, _____ вилояти _____ шаҳар ИИБ томонидан _____ йилда берилган.

Корхонанинг асосий мақсади истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан тўлақонли таъминлаш, олинган даромадлар асосида ишчи коллектив ва мулкдорнинг ижтимоий ва иқтисодий қизиқишларини амалга ошириш.

Маҳаллий хом-ашё ва ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланиш.

Корхона ўз фаолиятини пул кўчириш ва нақд пулга ҳисоб-китоб қилиш йўли билан **Нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш** йўналишида амалга оширади:

" _____ " хусусий корхонасининг " _____ "нинг _____ филиалидаги ҳисобрақами: _____, МФО: _____, ИНН: _____

3. БОЗОР ШАРОИТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

_____ шаҳрида нон ва нон маҳсулотларига аҳолининг талаби юқори ҳисобланади. Ҳозирги кунда шаҳримизда буханка ноннинг ўртача баҳоси 1 600 - 2 000 сўмни ташкил қилади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, шаҳарда мавжуд нон ишлаб чиқарувчи нонвойхоналарнинг барчаси ҳам сифат талабарига жавоб бермайди. Лойиҳа раҳбари томонидан келтирилаётган мини цех давлат ва санитария стандартларига мос қилиб ишлаб чиқарилганлигини ҳисобга олсак, унда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳам сифатли ва бозоргир бўлиши тайин.

Булардан ташқари тадбиркор ўзи етиштирган маҳсулотни тайёр, қадоқланган ҳолда истеъмолчига етказиб беришни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Қадоқлаш воситаси орқали нафақат корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни, балки буюртмалар қабул қилган ҳолда бошқа ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини ҳам қадоқлаб бериш кўзда тутилган. Бу эса корхона учун қўшимча фойда ва даромад манбаи эканлигидан далолат беради

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, _____ шаҳрида ушбу фаолият билан шуғулланиш тадбиркор учун ҳам, истеъмолчилар учун ҳам самарадорли ва истеъмол бозори доимийдир.

4. ТАШКИЛИЙ РЕЖА

Ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида қўшимча 4 нафар ишчи ўрни ташкил этилиши режалаштирилган. Қуйидаги жадвалда лойиҳа иштирокчиларининг ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.


Кўрсаткич	Сони	Ойлик маоши сўм	Йиллик иш ҳақи сўм
Раҳбар	1	1 500 000	18 000 000
Ишчилар	3	3 000 000	36 000 000
Даромад солиғи 12%	3	540 000	6 480 000
Жами	4	5 040 000	60 480 000

5. УСКУНА ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 36,0 млн сўмни ташкил қилади. Бу маблағга Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида қиймати 20,0 млн. сўм бўлган 1 та буханка нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган мини ускуна ҳамда 16,0 млн.сўмга цехни таъмирлаш ишлари олиб борилиши режелаштирилган.

Қуйидаги расмда сотиб олинishi режелаштирилаётган нон ишлаб чиқариш ускунасининг умумий кўриниши келтирилган

1- расм



Техник кўрсаткичлари:

Ишлаб чиқариш қуввати:	500 дона буханка/смена
Электр сарфи:	21 кВт
Ишлаб чиқариш майдони:	200 кв.м
Нархи:	14,0 млн. сўм.
Ишлаб чиқарувчи:	“ABPLANALP CONSULTING Spolka z o.o.”

6. ҚАРЗ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШ РЕЖАСИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, ушбу лойиҳага тикиладиган асосий маблағ 36,0 млн.сўмни ташкил этади.

Бу маблағга ускуналар сотиб олинади ҳамда цехни таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Ушбу маблағни сарфланиши тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Т/р	Харажатлар номи	Суммаси
1	Нон ишлаб чиқариш мини ускунаси	20 000 000
Таъмирлаш учун		
1	Ғишт	2 200 000
2	Цемент	250 000
3	Плита	1 800 000
4	Тош (извест)	800 000
5	Акфа дераза ва ромлари	3 500 000
6	Акфа пластик	2 850 000
7	Пластик потолок	900 000
8	Уголник	850 000
9	Арматура	200 000
10	Тунука	650 000
11	Шифер	2 000 000
Жами таъмирлаш учун		16 000 000
Лойиҳа учун барча харажатлар		36 000 000

7. МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ

Ноннинг тайёрланиш жараёни куйидагича:

Ҳамир қориш ускунасига 50 кг ун, 0,5 кг ҳамиртуруш, 0,5 кг ош тузи ва етарли миқдорда сув солиниб, 20 минут давомида аралаштирилади. Тайёр бўлган ҳамир бўлакларга бўлиниб, пахта мойи билан мойланган қолипларга солинади ва пишириш печкасига қўйилади. Ҳар қўйишда 60 дона нон қўйилади ва нонлар 40 минут давомида пиширилади. Тайёр бўлган нонлар маълум даражагача совитилиб, истеъмолчиларга етказилади.

Ишлаб чиқариш тадбиркорга тегишли бўлган цехда ташкил қилинади. Сотиб олинган нон пиширишга мўлжалланган печка ушбу цехда ўрнатилади. Бу печкада ҳар сменада 500 та нон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, унинг электр энергиясига бўлган талаби соатига 21 киловатни ташкил этади. Бир қўйишда 60 дона нон қўйилади ва бу нонлар 40 минутда тайёр бўлади.

Ҳамир қориш ускунасининг ишлаб чиқариш қуввати соатига 150 кг ҳамирни қориш қувватига эга бўлиб, унинг электр энергиясига бўлган талаби 15 Квт.ни ташкил қилади. Бир қоришда 50 кг унни 20 минут давомида ҳамир ҳолатига келтириб қорилади.

Юқоридаги техник талаблардан келиб чиққан ҳолда цехнинг электр энергияси сарфи ҳисобини келтирамиз.

Тадбиркор томонидан кунига 500 дона нон ишлаб чиқаришни ҳисобга олсак, ҳамир қориш ускунасига 185 кг унни ҳамир қилиб қориш учун ускуна жами бўлиб 4 марта, яъни 80 минут давомида тўхтовсиз ишлайди. Электр энергиясига бўлган талаби соатига 15 кВт.лигини ҳисобга олсак, 500 дона нонга етарли ҳамир тайёрлаш учун ускуна $15 \times 1,3 = 19,5$ кВт.ни ташкил қилади.

Нон пишириш печкасида 500 та нонни пишириш учун нон 8 марта қўйилади.

Демак, печканинг тўхтовсиз ишлаш вақти $8 \times 40 = 320$ минут ёки 5 соат 20 минутни ташкил қилади. Бунда электр энергияси сарфи $21 \times 5 \times 20 \text{ м} = 111,3$ кВт ни ташкил қилади.

Бундан ташқари цех иш вақтида ёритиш лампочкалари билан ёритилиб туради.

Уларнинг электр энергиясига бўлган талабини ойига ўртача 100 квт ҳисобида оламиз.

Шундай қилиб цехнинг кунлик электр энергиясига бўлган талаби $41,6(100/24*10)+111,3+19,5=172,4$ квт.га тенг.

Бир ойлик электр энергиясига бўлган талаб $172,4*24=4137,6$ квтни йиллик талаби эса $4137,6*12=49651,2$ квт.ни ташкил қилади.

Ҳар бир киловатт электр энергияси тўлов миқдори 295 сўмлигини инобатга олсак, электр энергияси учун қилинадиган йиллик харажат $49651,2*295=14\ 647\ 104$ сўмни ташкил қилади.

Қуйидаги жадвалда эса 100 кг ҳамир тайёрлашдан келиб чиққан ҳолда 1 та 0,5 кг.ли нон ишлаб чиқариш учун қилинадиган харажатлар ёки 1 та ноннинг таннархини ҳисоби келтирилган.

3-жадвал

Харажат турлари	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
Ун	кг	100	3 000	300 000
Ҳамиртуруш	кг	1,5	5 000	7 500
Ош тузи	кг	1	2 500	2 500
Пахта мойи	кг	0,13	2 600	2 600
Жами				312 600
Ноннинг чикиши (0,5 кг)	дона	271	1 600	433 600
Иш хаки харажатлари	сўм			20 833,5
Электр энергияси	кВт			93,4
Жами харажат	сўм			333 526,9
1 та ноннинг сотилиш баҳоси		271	1 600	433 600
1 та ноннинг таннархи	сўм			1 230,7

Қуйидаги жадвалда 1 йил давомида етиштириладиган тайёр маҳсулот ҳисоби келтирилган:

4-жадвал

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Баҳоси	Сони	1 ойда		1 йилда	
				сони	суммаси	сони	суммаси
Нон ишлаб чиқариш	дона	1 600	500	12 000	19200000	144 000	230400000
ЖАМИ					19200000		230400000

Қуйидаги жадвалда 2 йил давомида етиштириладиган тайёр маҳсулот ҳисоби келтирилган:

5-жадвал

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Баҳоси	Сони	1 ойда		1 йилда	
				сони	суммаси	сони	суммаси
Нон ишлаб чиқариш	дона	1 600	600	14400	23040000	172800	276480000
ЖАМИ					23040000		276480000

Қуйидаги жадвалда 3 йил давомида етиштириладиган тайёр маҳсулот ҳисоби келтирилган:

6-жадвал

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Баҳоси	Сони	1 ойда		1 йилда	
				сони	суммаси	сони	суммаси
Нон ишлаб чиқариш	дона	1 700	600	14400	24480000	172800	
ЖАМИ							293760000

Қуйидаги жадвалда 4 йил давомида етиштириладиган тайёр маҳсулот ҳисоби келтирилган:

7-жадвал

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Баҳоси	Сони	1 ойда		1 йилда	
				сони	суммаси	сони	суммаси
Нон ишлаб чиқариш	дона	1 800	650	15600	28080000	187200	336960000
ЖАМИ					28080000		336960000

Қуйидаги жадвалда 5 йил давомида етиштириладиган тайёр маҳсулот ҳисоби келтирилган:

8-жадвал

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Баҳоси	Сони	1 ойда		1 йилда	
				сони	суммаси	сони	суммаси
Нон ишлаб чиқариш	дона	1800	700	16800	30240000	201600	362880000
ЖАМИ				30240000			362880000

8. ФОЙДА ВА ХАРАЖАТЛАР РЕЖАСИ

Қуйидаги 9-жадвалда барча харажатлар ва соф фойда келтирилган.

9-жадвал

Даромад ва харажатлар	1 йил давомида	2 йил давомида	3 йил давомида	4 йил давомида	5 йил давомида
Тушум	230 400 000,0	276 480 000,0	293 760 000,0	336 960 000,0	362 880 000,0
Харажат	177 224 625,8	212 669 551,0	230 392 013,6	230 392 013,6	248 114 476,2
Фойда	53 175 374,2	63 810 449,0	63 367 986,4	106 567 986,4	114 765 523,8
Солиқ	2 658 768,7	3 190 522,5	3 168 399,3	5 328 399,3	5 738 276,2
Соф фойда	50 516 605,5	60 619 926,6	60 199 587,1	101 239 587,1	109 027 247,6

«_____»

хусусий корхонаси директори
